



**BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI  
ILMIY AXBOROTI**

**НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК БУХАРСКОГО  
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА**

**SCIENTIFIC REPORTS OF BUKHARA  
STATE UNIVERSITY**

**2011 2(42)**

# MUNDARIJA

## • TARIXSHUNOSLIK VA ŞIYOSATSHUNOSLIK

- Ҳайитова Ш.А. Истиклол шароитида шахс маънавияти муаммоси (Ўзбекистон давлат мустақиллигининг йигирма йиллиги муносабати билан) ..... 1
- Дониёров А.Х. XX асрнинг дастлабки икки ўн йиллигида этнографик билимларнинг ривожланиши ..... 5
- Асадова Ш.И. Илмий-тарихий билим ва тарихчи масъулияти: методологик жиҳатлар ..... 15
- Сирожов О.С. Фронт худудларидан кўчириб келтирилган саноат корхоналарининг Ўзбекистонда ўрнатилиши ..... 19
- Казымова Г.Х. Социальное развитие молодежи в современном обществе ..... 22
- Мухамедов Ш.Б. Совет туркестанского генерал-губернатора и практическое регулирование политики в отношении ислама в регионе ..... 24
- Раҳмонов Т. Ўзбекино шаклланиши ёки кино санъатида “реализм” ..... 27
- Музаффаров Ф.Д. Абу. Хомид Мухаммад Ғазолийнинг маънавий мероси ..... 30

## • IQTISODIYOT

- Ҳамроев Х.Р. Зонал сиёсат – АҚШда регионал сиёсатнинг муҳим таркибий қисми сифатида ..... 36

## • NAVOIY GULSHANI

- Эшонкулов Ҳ.П. Ишқ ўти кулидан ойнафом бўлсин кўнги ..... 41

## • ADABIYOTSHUNOSLIK

- Ўраева Д.С. Топишмоқлар поэтик синтаксисининг узига хослиги ..... 43
- Зубов И.Н. Апокалипсические мотивы в творчестве Леонида Андреева и Михаила Булгакова ..... 46
- Мансуров Б.Б. Толиб Толибийнинг бир девони хақида ..... 51
- Ализова Н.Б. Қизикмачокларнинг болалар фольклорига тугган ўрни ..... 54
- Орзигул Ҳ.Ж. “Ўзбек адабиёти намуналари”га оид дастлабки кузатишлар ..... 57

## • TILSHUNOSLIK

- Бобокалонов Р.Р., Бобокалонов П.Р. Ўзбек ва француз тилларида грамматик шаклланган ва каноник модели гапларнинг киёсий-типологик талқини ..... 61
- Сариев А.Б. Сопоставительная характеристика особенностей сочетаемости глаголов в русском и

- узбекском языках ..... 64
- Худойкулова Д.К. Фармацевтик терминлар, лугат ва муаммолар ..... 67
- Раджабова М.А. Инглиз тилида киши номлари билан келган фразеологизмларнинг келиб чиқиш тарихи ..... 70

## • PEDAGOGIKA

- Дўстов С. Санъатга садоқат ..... 74
- Султанов И.И., Зокирова Ф.Б., Шокиров К.Ф., Қозоқов С.Р. Баркамол авлод тарбиясида жисмоний машқларнинг аҳамияти ..... 76
- Абдуллаев Й.З. Чакирикқача ёшларни тайёрлаш мақсад ва вазифаларини амалга ошириш усуллари ..... 80

## • FAN VA TEXNIKA

- Дурдиев Д.К., Сафаров Ж.Ш. Двумерная обратная задача для уравнения второго порядка гиперболического типа ..... 87
- Меражова Ш.Б., Нуриддинов Ж.З., Аслонова М.Х. Аралаш турдаги тенгламага кўйилган биринчи чегаравий масала учун қурилган чекли айирмалли схеманинг турғунлиги ..... 91
- Шарипов М.С., Мардонов С.Э., Абдиева Ф.И. Влияние электрохимической модификации на спектральные характеристики Йод-крахмальных комплексов ..... 96
- Абидов К.З., Хамроева Ю.Т. О применении метода переменных направлений к численному решению пульсирующего движения вязких смесей в трубах с пористыми стенками ..... 99
- Тухтаев Ш.Х., Юнусов Р. Ғўза ўргимчакканасига қарши курашда БИ-58 янги препаратининг самарадорлиги ..... 101
- Эсанов Ҳ.К., Файзиев А. Бухоро воҳаси флорасидаги айрим хомашёбоп турларнинг аҳамияти ..... 104
- Нуриддинова Н.С., Ражабова С.М. Атроф-мухит муҳофазаси муаммолари ва экологик назорат ..... 107
- Орипова М.Қ. Темир танқислиги анемияси ва унинг олдини олиш ..... 109

## • MUHOSABAT

- Томирова М.М. Иқтисодий сиёсат масалалари: муаммодан – ечимга ..... 112

“Бухоро давлат университети илмий ахбороти” журналида мақола эълон қилиш талаб ва шартлари ..... 113-114

Хамроев Халим Розикович

БухДУ Туризм сервиси кафедраси мудири, иқтисод фанлар номзоди,

hamraevhalim@mail.ru

### ЗОНАЛ СИЁСАТ – АҚШДА РЕГИОНАЛ СИЁСАТНИНГ МУҲИМ ТАРКИБИЙ ҚИСМИ СИФАТИДА

*В данной статье представлен анализ политики США в создании независимых экономических пространств. А также определены проблемы в применении данной политики в условиях Узбекистана.*

*The USA's distinguished experience on creating free economic zones and the ways of applying it in Uzbekistan are reviewed in the article.*

Зонал сиёсат – бу мамлакатда эркин иқтисодий ҳудудларни яратиш бўйича ҳамда регион, тармоқ, соҳа ва алоҳида корхоналарнинг потенциални чуқур ўрганиб, ушбу потенциални реализация қилиш тизимини ишлаб чиқиш бўйича давлатнинг олиб борадиган чора-тадбирлари мажмуаси бўлиб, унга мамлакатда шаклланган меҳнат тақсмоти самарали ривожланишини режалаштиришнинг бир қуроли, деб қараш керак. Мамлакатда мавжуд ресурсларни самарасиз ишлатилаётган соҳа, тармоқ ва регионлардан жуда самарали ишлатиб бўладиган соҳа, тармоқ, регионга оқишига кўмаклашувчи восита деб қараш зарур. Зонал сиёсат мамлакатда эркин иқтисодий ҳудуд (бундан кейин – ЭИХ)ларнинг эркин ва самарали фаолият юритиши учун умумдавлат миқёсида шароитни яратишга хизмат қиладиган сиёсатдир.

Америка Қўшма Штатлари регионал сиёсатнинг муҳим унсури сифатида зонал сиёсат юритаётган бу борада жаҳонда энг яхши тажрибага эга бўлган ва жуда муваффақиятли фаолият олиб бораётган эркин иқтисодий ҳудудларга эга давлатдир. Йигирманчи аср охирига келиб, АҚШда ЭИХлар сони 2000 тадан ошиб кетди. Улар ташқи иқтисодий фаолият ва тадбиркорликнинг турли-туман шакллари ни ўз ичига олган. Булар ичида тадбиркорлик ва техник тадқиқот ҳудудлари кўпчиликти ташкил этади. ЭИХларнинг фаолияти туфайли 90-йилларда ҳар йили 95 мингтадан янги иш жойлари яратилди, бунинг натижасида бюджет ажратмаларини камайтириш имконига эришилди [6, 50].

Ҳозирги замонда мавжуд бўлган турли хил ЭИХларнинг АҚШда уч тури энг кўп

тарқалган: ташқи савдо ҳудудлари, тадбиркорлик ҳудудлари ва техник-тадқиқот ҳудудлари ёки технология парклари. Буларнинг ичида энг кенг тарқалгани, бутун АҚШ бўйлаб ёйилгани «Силикон водийлари» номи билан юритувчи технопарклар ҳисобланади. Агар дунёдаги биринчи технопарк 1950 йилларда пайдо бўлган бўлса, 2000 йилда ун сони 170 дан ошиб кетди. Уларнинг майдони (60 дан 260 гектаргача) ва қудрати ҳар хил. АҚШдаги энг йирик технопарк «Силикон велли» бўлиб, унда жаҳонда ишлаб чиқариладиган ҳисоблаш техникаси ва унинг қисмларининг 20 фоизи йиғилган. Бутун дунёда Американинг «Силикон велли»ларини янги ғоялар ва янги махсулотларнинг битмас-туганмас манбаи бўлган, илм кўп талаб қиладиган технологиялар «Маккаси» деб қарашади. Уларни ёшликнинг абадий фаввораси, технологик кучларнинг бастиони дейишади. «Силикон Велли»лар илм кўп талаб қиладиган технологиялар яратиш соҳасида ҳукмронлик қиладилар [2, 69-75]. АҚШнинг «Силикон водийлари» 4 турдаги дастурлар билан ишламоқдалар:

- ❖ техник жиҳатдан қўллаб-қувватлаш;
- ❖ кадрлар билан ёрдам бериш;
- ❖ қурилиш майдонлари ва иншоотларини тайёрлаш учун лицензия ва субсидия бериш шаклидаги тижорат ёрдами;
- ❖ молиявий ёрдам (ходимларни техник жиҳатдан тайёрлаш учун ссуда, субсидия ва қарзлар бериш, илмий-тадқиқот ишлари учун солиқ чегирмаларини бериш).

Технопаркларнинг интенсив ривожланиши АҚШнинг барча регионларини ўз ичига олди. Масалан, анчадан бери Шимол-шарқий АҚШнинг фан кўп талаб

киладиган технологиялар маркази бўлган Бостон шаҳрида 1979 йилда Массачуссета технологиялар ривожланиши корпорацияси 50 млн. доллар миқдоридagi хусусий сектор маблағларини мобилизация қилди. Фан-кўп талаб қиладиган ишлаб чиқаришларда банд бўлган маҳаллий фирмаларни молиялаштириш учун муниципалитетнинг қимматли қоғозларини чиқарди. Бунинг натижасида Массачуссета технология университети sanoat фирмаларининг, жумладан, давлат фирмаларининг мавжуд технологиялардан фойдаланишини кенгайтириш ва янгиларини ривожлантириш мақсадида бирлаштирди, оқибатда технопарк вужудга келди. Бу ерда беш марказ яратилди: биотехнологиялар, денгиз тадқиқотлари, полимерларни ўрганиш, фотогольваника ва амалий sanoat технологиялари [1].

Sanoat технологияларини ишлаб чиқаришни жадаллаштириш ва тадқиқот натижаларини sanoatга етказиш учун Массачуссета корпорацияси томонидан 1987 йилда амалий технологиялар маркази ташкил этилган. Бу марказ имтиёзли шароитда кичик ва ўрта венчур фирмаларга тадқиқот, технологик ва инфор­мацион ресурслардан фойдаланишга рухсат беради. Бундай ресурслар билан ўзини фақат йирик фирмалар таъминлай олиши мумкин, кичик фирмаларнинг эса қурби етмайди. Шундай қилиб, АҚШнинг технологик парклари техник ишланмаларни ишлаб чиқаришда амалий фойдаланиш жараёнини жадаллаштириш учун sanoat ва фаннинг ўзаро таъсирини таъминловчи структуралардир. Бу эса ҳозирги замон ишлаб чиқаришнинг илм талаб қилиш даражасини кўтаради ва миллий иқтисодиётнинг юқори технологик базасини янада такомиллашти­ради. Фан ва техника ютуқларини самарали амалий қўллаш ёрдамида АҚШ жаҳон иқтисодиётида ўзининг ҳукмронлик мавқеини таъминлаб келмоқда [1]. Умуман олганда, техник-тадқиқот ху­дудлари АҚШда жуда тез ривожланмоқда. 1973 йилда АҚШда улар сони 84 та эди. Унда 145 минг ишчи ва 45 минг олим бор эди. Яқин орада 1000 тагача бундай ху­дудларни яратиш режалаштирилган. Бу ҳолда инвестициялар ҳажми – 3 млрд. долларни, қўшимча иш ўринлари – 100 минг­ни ташкил қилиши керак [3, 4].

Тадбиркорлик ху­дудлари. Агар технопарклар янги технологиялар ва АҚШнинг жаҳон бозорида юқори рақобатбардошлигига мўлжалланган бўлса, тадбиркорлик ху­дудлари (ТХ) ички регионал ривожланиш билан тўғридан-тўғри боғланган. Улар келиб чиққан иқтисодий қийинчиликка жавоб сифатида пайдо бўлган, уларнинг фаолияти эса депрессив районларда кичик ва ўрта бизнесни жонлантиришга йўналтирилган. ТХлари унча катта бўлмаган (2,5 дан 5 кв.км гача) майдонни эгаллаган мамлакатнинг бошқа қисмидан тўсиқ билан ажратилмаган ва фақат унда жойлашган компанияларнинг мавқеи билан ажралиб туради [2, 75-76]. АҚШда амалда уч типдаги ТХлари бор: федерал, штат ва маҳаллий. Ҳар бир тип мос равишда ҳу­ку­мат органлари томонидан ташкил этилади. Ҳу­ку­мат органлари ҳам шу тип даражасига мос равишда амалий дастурлар ишлаб чиқади­лар. Штат даражасидаги биринчи ТХ 1980 йил Флоридада ташкил этилган эди. Худди шундай ху­дудлар кейинчалик АҚШнинг 35 штатида ташкил этилди. 1987 йил қонуни бўйича 100 та федерал даражадаги ху­дудлар ташкил этилган. Уларнинг фаолият юритиш муддати 20 йил деб белгиланган. Умуман олганда, Америка Қўшма Штатларида ТХлари 1420 дан ошиб кетган, улар мамлакатнинг 700 шаҳар ва шаҳар атрофларида фаолият юритади [5]. ТХларининг бундай кўп­лиги Америка ҳу­ку­мати органларининг хилма-хил имтиёзлар бериши туфайлидир. Одатда қуйидаги имтиёзлар қўлланилади:

- ❖ хужжатларни олиб боришнинг соддалаштирилган муолажаси;
- ❖ атроф-муҳитни ҳимоя қилиш стандартларига ва хавфсизлик нормаларига нисбатан пасайтирилган талаблар;
- ❖ қурилиш ва таъмирлаш ишларидаги солиқларга нисбатан 5% ли камайтириш;
- ❖ капитал қийматининг ўсишига олинадиган солиқнинг бекор қилиниши;
- ❖ ҳар бир қўшимча яратилган иш жойи учун 2000 долларгача солиқлар миқдорини камайтириш ва бошқалар.

Бу имтиёзларнинг ҳаммаси федерал даражада берилади. Аммо штатлар даражасида ҳам уларга боғлиқ бўлганда, қуйидаги имтиёзлар берилади: корхоналарнинг даромад солиғини 5 фоизга камайти-

риш, ускуналар ва қурилиш материаллари сотишдан олинадиган солиқдан озод қилиш, асосий капиталдан олинадиган солиқни бекор қилиш. Табдиркорлик ҳудуди ривожланишидан АҚШ ҳукуматининг уч даражаси ҳам манфаатдордир, чунки иш жойларининг ошиши билан ишсизлик, демакки, бюджетдан ишсизларга бериладиган нафақа харажатлари камаяди. Шунинг учун ТХ мақомини олишга ҳеч қандай маъмурий тўсик йўқ. Лекин бундай мақом олишнинг мезони жиддийдир: ушбу районда истикомат қилувчи аҳолининг 70% дан ортигининг ўртача даромади мамлакат ёки шаҳарнинг ўртача даромадининг 80%и дан паст бўлиши керак. Бу районда ишсизлик даражаси мамлакат ёки шаҳардаги даражадан юқори бўлиши керак.

АҚШнинг табдиркорлик ҳудудлари фаолияти тажрибасининг умумий хулосаси шундан иборатки, ҳудуд ташкил этишда дастур унчалик кўп бўлмаган структурани ўз ичига олиши керак, рағбат, имтиёзлар тизими эса бой, хилма-хил бўлиши лозим [3].

Ташки савдо ҳудудлари. Америка Қўшма Штатларининг ташки савдо ҳудуд (ТСХ)лари таҳлили шуни кўрсатадики [2, 77-83], бу ҳудудларда экспорт мамлакат бўйича ўртача кўрсаткичга нисбатан анча тезроқ ўсади. Улар бевосита ёки билвосита аҳолининг бандлик даражасини оширади, иқтисодиётга нафақат локал даражада, балки бутун миллий иқтисодиёт даражасида ижобий таъсир этади. ТСХлари регионда халқаро маркетингни ривожлантириш учун, саноат паркларини ва халқаро савдо марказларини яратиш учун катализатор вазифасини ўтайди. ТСХлари узоқ тарихий ривожланиш йўлини босиб ўтиб, кўплаб ўзгаришларни бошидан кечирди, йигирманчи аср бошига келиб эса янги маъно билан бойиди. АҚШда 1934 йилда Конгресс томонидан ТСХлари тўғрисида қонун чиқарилди. Бундай ҳудудлар тузишдан мақсад-савдонинг самарали механизмларидан фойдаланиш йўли орқали ташки савдо фаолиятини активлаштиришдан иборат эди. Президент Ф.Рузвельт фармойиши билан кўплаб омборлар, доклар, аэропортлар эркин савдо ҳудудларига айлантирилди. Ҳудудда фаолият юритувчи корхоналар, ҳудудга импорт қилинадиган товарлар агар учинчи мамлакатга кетадиган

бўлса, АҚШнинг божхона назорати тарқибидан чиқарилди. Агар товарлар АҚШга қоладиган бўлса, қонуний божхона муолажаларининг барчасини ўтган. Биринчи савдо ҳудудлари йирик портларда – Нью-Йорк, Янги Орлеан, Сан-Франциско, Окленд, Лос-Анджелес, Сиэтлда яратилди. Йигирманчи асрнинг 50-йилларида Толедо (Огайо штати), Бей-Каунти (Мичиган), Маягуэс (Пуэрто-Рико штати), Гонулулу (Гавайи)да яратилди. Кейинчалик портларда эмас, ички минтақалардаги шаҳарларда ҳам кўплаб ташкил этила бошланди [3].

Ташки савдо ҳудудлари (ТСХ) эркин савдо ҳудудларининг америкача вариантыдир, АҚШ қонунчилигига асосан шундай территорияки, у мамлакатнинг божхона хизмати назоратида бўлади, бироқ ҳудуд фаолият юритишни бошлаши билан АҚШнинг божхона территорияси ҳисобланмайди. ТСХ – савдо ёки савдо-ишлаб чиқариш ҳудуди бўлиб, божхона, бюджет солиқ, молиявий тартиб бўйича давлатдан ташқарида жойлашган миллий территориянинг бир қисмидир. Уларда кенг доирадаги хизматлар таклиф қилинади: омборлаш, саралаш, қадоклаш, қайта ишлаш, айрим маҳсулотларнинг бутловчи қисмларини йиғиш, ҳатто ҳудудга келувчи ёки унда ишлаб чиқарилувчи маҳсулот асосида бутун бир ишлаб чиқаришни ташкил этишдир. Одатда, бу ҳудудлар мамлакатга кирувчи портларда ёки унга яқин жойда жойлашади. Улар Америка божхона қонунчилигига ҳали қабул қилинмаганлиги учун, ҳудди ташки бозорлар таркиби каби компонентларнинг иш фаоллигини ошириш орқали капитал оқими кўпайишига, бандлик даражаси кўтарилишига имконият яратади. У ёки бу ҳудудни ташкил этишда асосий мезон бўлиб АҚШ давлат манфаатлари хизмат қилади. Бундай ҳудудни таъсис этиш ҳуқуқи ТСХлари бўйича кўмита томонидан берилади. Ҳудудни ташкил этиш учун давлатнинг ўзи ёки давлат корпорацияси кўринишида тузилган ташкилот ҳомий бўлиши мумкин. 1998 йилнинг бошида АҚШда 218 та ҳудуд (умумий характердаги) ва кичик ҳудуд (махсус характердаги) 48 та штатда, мамлакатнинг деярли барча кирувчи портларида ва йирик саноат марказларида ташки савдо ҳудудлари ташкил этилган. Очиш учун ариза берган ва очилиши кўриб

чикилаётганлар сони эса 70 дан ортиқдир [3, 7].

Ўттизинчи йилларда, «Буюк депрессия» даврида АҚШда ташқи савдо ҳудудларини тузишдан мақсад – жаҳон савдосига мамлакатнинг қатнашишини фаоллаштириш, шу билан бирга ишсизлар сонини камайтириш бўлган. Ҳозирги замонда бундай ҳудудларни тузишдан мақсад – импорт қилинадиган деталь ва бутловчи қисмларнинг тарифини камайтиришдан иборат. Бунга энг яққол мисол – автомобиль саноати ҳисобланади. Ташқи савдо ҳудудларининг икки тури мавжуд: умумий ҳудудлар (general purpose, GP) ва махсус кичик ҳудудлар (special purpose, SP). GP ҳудудлар АҚШнинг божхона хизматлари кузатуви остида бўлади ва божхона майдонидан ташқарида фаолият кўрсатади. Улар одатда, омборхоналар, докларга, аэропорт ва саноат парklarига яқин жойда жойлашади [1, 31].

АҚШда экспорт ишлаб чиқариш ҳудудлари корхоналар ҳудуди сифатида тузилади. Корхоналар ҳудуди – махсус анклав бўлиб, ундаги корхоналар ҳукуматдан алоҳида ҳуқуқларни оладилар. Улар, одатда иқтисодий жиҳатдан қўлоқ, ишсизлари кўп бўлган районларда яратилади ва унча катта бўлмаган территорияни қамраб олади. Ҳуқуқлар, одатда, 10 йилдан 20 йилгача муддатга берилади. Бундай корхона ҳудуди илк бор АҚШнинг Флорида штатида яратилган эди. Бу ҳудудлар концепцияси доимо такомиллашиб бормоқда. Ривожланган мамлакатлардаги экспорт ишлаб чиқариш ҳудудларининг ўзига хос хусусияти шуки, улар, асосан, ўз товарларини мамлакат ичида реализация қиладилар.

Ташқи савдо ҳудудлари (умумий ва кичик)га келтирилаётган товарларнинг умумий қиймати 130-150 млрд. долларни ташкил этади. Кейинги 15 йилликда кичик ҳудудларнинг фаоллиги юқори эканлиги қайд қилинмоқда, яъни ТСХлари ҳам ихтисослашиб бормоқда. Агар умумий характердаги ҳудудлар хилма-хил хизматларга мўлжалланган бўлса, кичик, махсус характердаги ҳудудлар қайсидир хизматга ихтисослашади. Субҳудуд умумий ҳудудга нисбатан бўйсунувчи муносабатда бўлади. Одатда бундай ҳуқуқдан фойдаланиш бир компанияга берилади, кичик ҳудуд мақоми

мавжуд бирор-бир ишлаб чиқариш корхонасига берилади. ТСХда фаолият юритувчи корхона кўплаб имтиёзлар ва қулайликларга эга бўлади. Кўпгина компаниялар учун хориж товарлари учун импорт божларини тўлаш ЭИХ майдонидан чиқиб, АҚШ божхона майдонига киритилганича кечиктирилиши муҳим ҳисобланади, бундан ташқари, олдин ҳудудга киритилган хорижий товар реэкспорт қилинганда бож олинмаслиги ҳам муҳимдир. Чакана савдо ҳудудда таъқиқланган бўлса ҳам, чакана савдо билан шуғулланувчи компаниялар ҳудудда ўз товарларини сақлаб, импорт тўловлари тўланишининг кечиктирилишидан манфаатдор бўладилар. Агар бирор товарнинг компонентларини алоҳида-алоҳида келтиришдан, уни ҳудудда йиғиб, сўнгра бутун бир товар сифатида АҚШ божхона территориясига киритиш қулай бўлса, бундай товарни йиғиш жараёни ҳам ҳудудда ташкил этилади.

АҚШнинг барча автомобиль компаниялари ва кўплаб хорижий автокомпаниялар ТСХда автомобилларнинг йиғиш жараёнини олиб борадилар. Чунки йиғилган автомобилларнинг тариф даражаси 2,5% ни ташкил этса, хорижда ишлаб чиқарилган автомобиль компонентларидан олиннадиган божхона тўловлари анча юқоридир. Бундан автокорхоналар ютадилар. Импорт қилинган компонентлар етарли даражада қайта ишлангандан кейин хорижий мамлакат маҳсулотини ҳусусиятини йўқотади ва АҚШда ишлаб чиқарилган деб маркировка қилинади. Бу ҳолат АҚШники бўлмаган маҳсулотларнинг фойдаланишида чеклаш бўлганда мамлакат ички бозорида Америкада ишлаб чиқарилган деб кириш учун қулай деб ҳаракат қилувчи компаниялар учун муҳим аҳамият касб этади. Товар “АҚШда ишлаб чиқарилган” деган мақомни олиши учун пировард қийматнинг камида 51 фоизи америкалик иш кучи томонидан яратилган қўшилган қиймат ёки Америкада ишлаб чиқарилган компонентлар қийматидан иборат бўлиши керак [4].

ТСХ чегарасида бўлган барча товарлар қуйидаги 4 мақомдан бирига эга бўлади, уларнинг ҳар бири ўзига хос божхона тартибини таъминлайди:

- ❖ имтиёзли хорижий товар мақоми;
- ❖ имтиёзи бўлмаган хорижий товар мақоми;

- ❖ ички товар мақоми;
- ❖ худуд миқёсидаги товар мақоми.

Товарга мақом бериш муолажаси божхона учун анча ишни талаб қилади.

АҚШнинг ЭИХлар бўйича Қўмита маълумотлари шундан далолат берадики, 2003 йилда ТСХларининг сони 330 та бўлган. Улардан 142 таси яхши фаолият олиб бормоқда [4].

АҚШнинг икки штати (Делавэр ва Невада) оффшор худуд сифатида фаолият юритишади. АҚШнинг биринчи штати номини олган Делавэр ўзининг мослашувчан ва содда қонунлари тизими туфайли анча вақтдан бери кўплаб компанияларни рўйхатдан ўтишга ундаб келмоқда. Ҳозирги пайтда аҳолиси 600

минглик штатда 200 мингдан ортиқ компания рўйхатга олинган. Невада штати, биринчи навбатда унинг энг асосий шахри – Лас-Вегас ҳам кейинги пайтларда компанияларни рўйхатга олишда қулай шароитларни таклиф қилмоқда. Бу икки штат қулай корпоратив қонунлар қабул қилиб, корпорацияларни ўзига чорлаш учун ҳаракат қилиб келмоқдалар.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, АҚШ ўзининг ҳозирги даражасига етишда давлат олиб бораётган зонал сиёсат ҳам муҳим роль ўйнамоқда. Демак, Ўзбекистонда зонал сиёсатни амалиётга киритаётганда АҚШнинг бу борадаги тажрибасини чуқур ўрганиш ва республикаimizда қўллаш мақсадга мувофиқдир.

#### Адабиётлар

1. Данько Т., Окрут З. Свободные экономические зоны в мировом хозяйстве: Учебное пособие. – М.: Инфра-М., 1998. – 168 с.
2. Друзик С.Я. Свободные экономические зоны в системе мирового хозяйства: Учебное пособие. – М.: «ФУА-информ», 2000. – 368 с.
3. Зименков Р.И. Свободные экономические зоны (Опыт США) //США: экономика, политика, идеология. - 1995. – № 8. – С.35-46.
4. Зименков Р.И. Свободные экономические зоны: американский опыт //Российский экономический журнал. - 1998. – № 3. – С.78-86.
5. Коршунов В.П. Возможности и перспективы использования мирового опыта СЭЗ в условиях России. – М.: Дипломатическая академия МКД РА, 1993.
6. Леонидов Б. Роль СЭЗ в привлечении иностранного капитала в России //Внешняя торговля. - 2000. – № 5-6. – С.50-53.
7. Холиқов А. Америка Қўшма Штатлари иқтисодиётида эркин иқтисодий зоналар фаолияти. //Ж: Бозор, пул ва кредит. – 2005 – № 6. -Б.68-70.